



ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРИЯТИ

PhD Дусанов Салим

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
ORCID: 0009-0005-1912-0023*

msalimd@mail.ru

Аннотация. Мақолада таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик, молиялаштириш масалалари, муаммолари ҳамда унинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Шу билан бир қаторда таълим муассасаларида давлат-хусусий шерикчилик бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар, молиявий ресурслар самарадорлиги, давлат-хусусий шерикчиликда молиялаштиришнинг янги имтиёзлари, тижорат банк кредитларини амалиётга жорий этиш берилиши лозим бўлган имтиёзларга таҳлилий ёндашувлар келтирилган.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шерикчилик, таълим тизими, молиялаштириш, молиялаштиришнинг ҳолати, муаммолар ва молиявий ресурслар самарадорлиги, молиялаштириш зарурияти, такомиллаштириш, молиявий барқарорлик.

ВАЖНОСТЬ И НЕОБХОДИМОСТЬ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В ФИНАНСИРОВАНИИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ

PhD Дусанов Салим

*Ташкентский государственный экономический университет,
Международная исламская академия Узбекистана*

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы, проблемы и значение государственно-частного партнерства в системе образования. При этом представлены аналитические подходы к реализуемым в образовательных учреждениях проектам государственно-частного партнерства, эффективности использования финансовых ресурсов, новым льготам при финансировании в рамках государственно-частного партнерства, а также льготам, которые должны предоставляться при внедрении в практику кредитования коммерческих банков.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, система образования, финансирование, состояние финансирования, проблемы и эффективность использования финансовых ресурсов, потребность в финансировании, совершенствование, финансовая устойчивость.

THE IMPORTANCE AND NECESSITY OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIPS IN FINANCING EDUCATIONAL SERVICES

PhD **Dusanov Salim**

Tashkent State University of Economics,
International Islamic Academy of Uzbekistan

Abstract. *The article discusses the issues, problems and significance of public-private partnerships in the education system. At the same time, analytical approaches are presented to the projects implemented in educational institutions on public-private partnerships, the effectiveness of financial resources, new financing privileges in public-private partnerships, and the privileges that should be provided when commercial bank loans are introduced into practice.*

Keywords: *public-private partnerships, education system, financing, the state of financing, problems and effectiveness of financial resources, the need for financing, improvement, financial stability.*

Кириш.

Тадқиқотларда таълим тизимини молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш, давлат бюджетидан молиялаштиришнинг самарали усул ва мезонлари, амалга ошириш тамойилларини тадқиқ этиш, молиялаштириш жараёнида самарадорликни оширадиган инновацион воситаларни қўллаш, молиялаштириш жараёнларига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва соҳага интенсив ўқув дастурларини киритиш орқали молиялаштиришда ижобий натижага эришиш каби йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб, таълимни молиялаштиришда янги бир самарали йўналиш пайдо бўлдики, бунинг натижасида таълим тизимини самарали молиялаштиришни бир поғона кўтарилишига эришилмоқда. Бу таълим тизимига хусусий сектор иштирокининг кириб келиши ва Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) шакллариининг ривожланиши билан боғлиқ жараёндир.

Таълимнинг барча босқичларини молиялаштириш, таълимдаги молиявий ресурслар самарадорлиги ва унинг эволюцияси бевосита давлат ҳамда хусусий секторнинг тараққиётига ва ривожланишига узвий боғланган ҳолатда ривожланиб бормоқда. Ҳозирда таълимни молиялаштириш турли хил молиявий манбалар орқали амалга оширилиб, айрим молиявий манбаларда маблағ етишмовчилиги ёки ажратилган маблағларнинг кўзланган мақсад ва вазифаларни тўлақонли ижросини таъминлаш имкониятидан ортда қолаётган ҳолатда амалиётда учраб турмоқда. Бундай ҳолат, энг тўғри ва оптимал ечим сифатида тизимга давлат-хусусий шериклик тамойили асосида қўшимча маблағлар оқимини олиб кирилиши зарурияти заруриятини юзага чиқармоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Республикаимизда таълимнинг бирча босқичларидаги таълим ташкилотларини молиялаштириш ва давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари илмий тадқиқ объекти сифатида ўрганилиши ҳолати сўнги 5-6 йилда кўпаймоқда.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Джуманиязов (2017) Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштиришга ўзининг таклиф ва тавсияларини берган, Насурова (2023) «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг молиявий механизмини такомиллаштиришни тавсия қилган. Карабаев, Юсупов (2017), Якубова (2023)ларнинг илмийтадқиқот ишларида таълим тизимини давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш масалалари ўрганилган.

Шу билан бир қаторда, таълим тизимини молиялаштиришда “молиялаштириш” тамойилларини ва унинг ташкилий-иқтисодий асосларини ҳам чуқур тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири сифатида қолмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда қиёсий таҳлил, тарихий ёндашув, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, статистик маълумотларни умумлаштириш ва халқаро тажрибани солиштириш методларидан фойдаланилди. Илмий-назарий қарашлар миллий суғурта бозоридаги амалиёт билан уйғун ҳолда ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини чуқур илдиз отишига бир неча йўналишларда амалий ишлар олиб борилмоқда, жумладан мактабгача таълим ташкилотларида, мактаб таълими ва олий таълим йўналишларида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини кўриш мумкин бўлади. Аммо ушбу йўналиш нисбатан янгилигини инобатга олинса, давлат-хусусий шерикчилик асосида молиялаштиришнинг назарий жиҳатлари, давлат-хусусий шерикчилик асосида таълим соҳасини молиялаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, таълим ташкилотларини давлат-хусусий шерикчилик асосида молиялаштиришнинг хориж тажрибалари таҳлил қилиниши ва илмий асосланган хулосалар ҳамда таклифларга мухтож. Давлат ва хусусий шерик ўртасидаги муносабатлар иқтисодий механизм ҳисобланиб, бунда давлат ва хусусий шерик ўзаро келшилган шартлар асосида бирон бир ижтимоий, иқтисодий ва инфратузилмавий инвестицион лойиҳаларни шерикчиликда молиялаштириш, бошқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти бўлиб, ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ўзаро манфаатли шартлар асосида ечиш учун хусусий инвесторларни жалб қилиш тизимига асосланади.

Жаҳонда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари борасида илмий-тадқиқотлар кўплаб амалга оширилган, жумладан россиялик олим Белицкаянинг (2009) қарашларига кўра, «давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги - давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлари ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг бевосита давлат назорати соҳасидаги объектларга нисбатан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги, муҳим давлат ва жамоат аҳамиятига эга бўлган лойиҳаларни самарали амалга ошириш мақсадида ҳамкорлар ўртасидаги хавфларни тақсимлашни назарда тутди».

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари бшйича илмий изланиш олиб борган Шавкатов(2001)га кўра «Давлат-хусусий шериклиги илмий-тадқиқот ишларидан тортиб то хизматларгача бўлган соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун давлат ҳамда хусусий сектор ўртасидаги институционал ва ташкилий иттифоқдир».

Бизнингча, давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари бу маълум бир манфаатлар устига қурилган ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ва хусусий секторнинг ўзаро келишувидир.

Давлат ва хусусий сектор шерикчилиги миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида бўлиши мумкин лекин бир ўрганаётган қисм таълим тизимини молиялаштиришда давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини ўз ичига олиши билан фарқланади.

Бугунги кунда Мактабгача таълим ва олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчиликдан фойдаланиш, таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга ҳамда айниқса олий таълим тизимида давлат олий таълим ташкилотларининг ҳозирда ривожланган рақобат муҳитида устунликка эга бўлишига ёрдам бериш орқали республикамиз таълим тизимини молиялаштиришда ижобий натижа ва фойда келтириши мумкин. Давлат бюджетидан бутун бир таълим тизимини молиялаштириш ва аҳолининг сифатли таълим олишини қўллаб-қувватлаш ва таъминлашда катта

миқдордаги маблағ-ресурс етишмовчилиги каби тўсиқлар ўчраб туради. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тақдим этиш орқали мактабгача таълим соҳасига қўшимча маблағлар жалб этилиши давлат томонидан қондирилмаган бўшлиқларни тўлдиради. Айниқса олий таълим тизимида талабаларни турар жой билан таъминлашда давлат-хусусий шерикчиликнинг аҳамияти ва ўрни беқиёс. Жумладан, сўнгги йилларда Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан таъминлаш даражасини яхшилаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

2017 йилда давлат олий таълим муассасаларида қуввати 59,5 минг ўринли 228¹ та талабалар турар жойлари мавжуд бўлиб, бу ётоқхонага эҳтиёжнинг 28 фоизини қоплаган.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонида асосан 2030 йилга қадар 150 минг ўринли ётоқхоналар барпо этиш белгиланган.

1-жадвал

Олий таълим тизимида ДХШ асосида барпо этилган ва барпо этилиши кутилаётган Талабалар турар жойларининг ҳолати бўйича маълумот:

№	Барпо этиладиган ТТЖлар	Сони
1	Барпо этилган ётоқхоналар сони	235 та
2	2025 йилда фойдаланишга топшириладиган ётоқхоналар	9 та (4 000 ўринли)
3	2026–2027 йилларда фойдаланишга топшириладиган ётоқхоналар	55 та (33 175 ўринли)

Манба: Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг статистик маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорига асосан 2022–2025 йилларда жами 112,5 минг ўринли 242 та ётоқхоналарни барпо этиш режалаштирилган.

Мазкур қарор талаблари асосида ДХШ лойиҳалари 3 та шаклда молиялаштирилади

1. ДХШ лойиҳаларини аралаш молиялаштириш бунда тадбиркорлар ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда барпо этиш:

2. ДХШ лойиҳаларини тадбиркорларни тўлиқ ўз маблағлари ҳисобидан барпо этиш бунда ётоқхонада яшаган ҳар бир талаба учун бир йил учун БҲМнинг 20 баравари миқдорида Давлат бюджетидан субсидия тўлаш асосида барпо этиш.

3. ДХШ лойиҳаларини тадбиркорларга тегишли биноларда ташкил этиш бунда ётоқхонада яшаган ҳар бир талаба учун бир йил учун БҲМнинг 15 баравари миқдорида субсидия тўлаш орқали барпо этиш.

Юқоридаги ДХШ шакллари бўйича Республикамиз миқёсида 75,3 минг янги ётоқ ўринлари яратилди ва жорий йил 1 ноябрь ҳолатига олийгоҳларда ётоқхоналар сони 386 тага етказилиб, 156,3 минг нафардан ортиқ талабани жойлаштириш имконияти яратилди ва талабаларни ётоқхона билан қамров даражаси 57 фоизга етказилганлигини кўриш мумкин бўлади.

Олий таълим тизимида давлат олий таълим муассасаларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва рақобат муҳитини молиявий барқарорлигини сақлаб туриш мақсадида, тизимда давлат-хусусий шекричилик муносабатларини тизимли давом

¹ Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг статистик маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

этириш, ҳамда бу жараёни 2030 йилга қарадар узайтириш чораларини кўриш зарур бўлади.

Республикамизда сўнги йиллар давомида мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги муассасалар фаолиятини давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш жараёнида тузилган битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3651-сон қарорига мувофиқ қилиш муддати давомида хусусий шерик томонидан унга тегишли бўлган мулкни тасарруф этиш, шу жумладан бошқа мажбуриятлар бўйича гаровга қўйиш мумкин эмас эди. Бизнингча, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштиришни такомиллаштириш ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш мақсадида давлат-хусусий шериклик доирасида ижарага берилган ер участкасида нодавлат мактабгача таълим ташкилоти биносини қурган хусусий шерикка ушбу бинони банк кредитлари бўйича гаровга қўйишга рухсат этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар.

Давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш бўйича ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, чуқур ва тизимли таҳлиллар асосида ягона комплекс ёндашув асосида таълим муассасалари фаолиятига давлат-хусусий шериклик механизмининг жорий этиш орқали, тизимда мактабгача, мактаб ва олий таълим қамровини ошириш мақсадга мувофиқ.

Таълим тизимида давлат-хусусий шериклик механизмининг жорий этишдаги муаммолар ҳудудлар кесимида тўлиқ ўрганилган ҳолда, келгусида ушбу соҳани ривожлантириш бўйича ишлаб чиқиладиган стратегияларда фойдаланишга зарур ва қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш зарур.

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромад маблағларидан фойдаланишда ижтимоий соҳа, айнан давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача, мактаб таълими муассасаларининг биргаликда молиялаштириш ёки инфратузилма объектларининг барпо этиш учун маблағлар ажратиш амалиётининг киритиш бугунги кун талабларидан бўлиб қолмоқда.

Тизимда давлат-хусусий шериклик механизми доирасида таълимни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларида таълим муассасаларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг молия-кредит механизмининг табақалаштирилган тизими қўллаш керак ҳамда бугунги амалда бўлган тизимни такомиллаштириш чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқ.

Амалиётдан маълумки, давлат-хусусий шериклик муносабатлари доирасида ижарага берилган ер участкасида нодавлат мактабгача таълим ташкилоти биносининг қурган хусусий шерикка ушбу бинони тижорат банк кредитлари юзасидан гаровга олишига рухсат этилиши тизимга хусусий инвестициялар оқимининг кўпайишига тўртки бўлади. Бу эса ўз навбатида таълим ташкилотлари ва хусусий шерикларнинг тижорат-банк кредитларининг олишда гаров таъминоти билан боғлиқ масалаларнинг тез ечим топишига ҳамда зарур бўлган молиявий ресурсларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари доирасида жалб қилинган тижорат банк кредитлари бўйича асосий қарзларнинг сўндирилишида имтиёзли давр берилиши ҳамда хусусий-шерикка томонидан кредит бўйича фақат ҳисобланган фоиз тўловлари амалга оширилишининг инobatга олсак, давлат-хусусий шериклик асосидаги таълим ташкилотларининг ташкил этиш учун (айниқса мактабгача нодавлат таълим ташкилотлари) имтиёзли кредитлар табақалаштирилган фоиз ставкалари ва шартларда берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Натижада давлат-хусусий

шерикчиликда талим ташкилотлари учун банк кредитларини олишда қўшимча имтиёзли давр берилиши молиявий ресурсларнинг янада самарали бўлиши ва ушбу маблағларни эҳтиёж учун зарур бўлган йўналишга сарфлаш имкониятини беради.

Таълим муассасаларга молиявий эркинлик бериш лозим, айниқса, бюджетдан ташқари маблағлари тушуми ва тасарруф этилиши бевосита ўз ихтиёрида бўлиши самарали деб ҳисоблаймиз. Шу билан бир қаторда таълим тизимини молиялаштиришга давлат-хусусий шерикчилик амалиётини кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ буларди.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Белицкая, А.В. (2009) Правовые формы государственно-частного партнерства в России и зарубежных странах / А.В. Белицкая // Предпринимательское право. – N2. – С. 21–27.

Джуманиязов У.И. (2017) Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати, –Т.: ТДИУ.

Насурова К.Р. (2023) «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг молиявий механизмини такомиллаштириш». иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т.: ТМИ.

Шавкатов Н.Ш. (2021) Давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни такомиллаштириш: и.ф.д., дис. Автореф. –Т.: ТМИ.

Юсупов Н., Карабаев Ф. (2013) Теория и практика Государственно-частное партнерство. Учебный модуль. Под.редакт. Ташкент.